

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 124 (11.435)

Баҳоси эркин нарҳда



Ёшларимизда эл-юрт осойишталиги, осмонимиз мусаффолиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги йўлида хизмат қилиб, Ватан ҳимояси учун камарбаста бўлишга қизиқиш ва интилиш кучли. Бу Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасидир.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Хида эътибор қаратдилар. — Уғлим Даутбекни Ватан ҳимоячилари сафида кўриб турганимдан бениҳоя хурсандман, — дейди андижонлик Фазлиддин Эралиев. — Уғлим анча улғайди. Фикрлари тиниқ ва қатъий... Ёшлик даврини эслайман. У пайтлари ҳарбий бўлишга қизиқиш деярли сезилмас, армияда хизмат қилишни ҳозиргидек қувонч билан эмас, ташвиш билан қарши олардик. Бугун эса фарзандларимизнинг камолини кўриб, қувонамиз, ғурурланамиз. Тадбир доирасида билим юрти курсантлари ҳарбий, маданият ва спорт соҳасида эришяётган ютуқларини намойиш этдилар.

(УзА)
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа
А. Абдуллаев (УзА) олган сурат

ОҚ ЙЎЛ, ОФИЦЕРЛАР

Ҳарбий хизмат муддатининг қисқартирилгани, сафарбарлик резерви хизмати жорий қилингани ва давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган Фармонида мувофиқ, муддатли ҳарбий хизматга йилда бир марта қазириш белгилангани Куролли Кучларимизни ҳар томонлама соғлом, салоҳиятли кадрлар билан тўндириш, профессионал армияни шакллантириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳарбий хизматнинг нуфузи ва мавқеи ошишида муҳим омил бўлмоқда.

Олий ҳарбий билим юр்தларининг моддий-техника базаси тобора мустаҳкамланмоқда. Уларда ёш курсантларнинг билим оли-

ши, жанговар машғулотларни юқори савияда ўтказиши учун яратилган шароитлар малакали офицерлар тайёрлашнинг муҳим тизими йўлга қўйилганидан далолатдир.

Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида битирувчиларга диплом ва кўрак нишонлари топширишга бағишланган тантанали тадбирда қатнашган жамоатчилик вакиллари, ота-оналар буни яна бир бор эътироф этдилар. Сўзга чиққанлар Юртбошимиз раҳнамолигида ҳарбий хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишлар қўлами тобора кенгайиб бораётганига ало-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПАСПОРТ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Чикаго конвенцияси (1944 йил декабрь) ва Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) Монреаль Ассамблеясининг 2004 йилдаги қарори (резолүцияси)га мувофиқ ушбу ташкилотга аъзо давлатлар 2010 йилдан кечиктирмай эгаларининг шахсий биометрик параметрлари ва белгиланган маълумотлари ҳақида электрон ахборот жамланган ҳамда юқори ҳимоя даражасига эга фуқаро паспортларининг жорий этилишини таъминлаши шарт.

Биометрик маълумотларга эга паспортлар халқаро фуқаро авиацияси хавфсизлигини таъминлаш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг қалбақлаштиришга қарши ҳимоя даражасини ошириш, Давлат чегарасидан ўтишда шахсни тезкор ва аниқ идентификациялаш механизмларини такомиллаштириш, халқаро авиация-шишлар сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида жорий этилмоқда.

Ҳозиргача дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатда замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тайёрланган биометрик параметрли паспортлар жорий этилган.

ИКАО аъзоси бўлган Ўзбекистон Республикасида авиация хавфсизлигини таъминлаш, авиация техникасининг ишончилигини ва халқаро бозордаги рақобатбардошлигини ошириш, авиатранспорт хизматларидан фойдаланувчи йўловчилар учун максимал қулайликлар яратиш, аэропортлар инфратузилмасини ривожлантириш, ушбу соҳада кадрлар тайёрлаш ва бошқа тадбирлар борасида тизимли ва изчил иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ва замонавий халқаро андозлар ҳамда талабларни ҳисобга олган ҳолда миллий паспорт тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати-нинг 2010 йил 1 январдан Ўзбекистонда эгаларининг биометрик маълумотлари бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини (бундан буён биометрик паспорт деб юритилади) жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.
 2. Аҳолининг амалдаги Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини биометрик паспортга босқичма-босқич алмаштириш тартиби тасдиқлансин:
- Биринчи босқич (2010 йил) – республика вазирликлари, идоралари ва муассасалари хизматларига, хорижга чиқётган ёки чет элдаги жисмоний шахсларга, шунингдек, муайян ёшга тўлган ёки қонунчиликда кўзда тутилган бошқа сабабларга кўра паспорт олаётган фуқароларга;
- Иккинчи босқич (2011-2015 йиллар) – қонунчиликда белгиланган тартиб бўйича Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларига.
3. Биометрик паспортларни марказлашган ҳолда тайёрлаш ва уларнинг ҳисобини самарали юритиш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини мазкур паспортлар билан ўз вақтида таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат персоналлаштириш маркази (ДПМ) ташкил этилсин, марказ биометрик паспортлар бланкаларини тайёрловчи Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси (ДИБ) ҳудудида жойлаштирилсин.
 4. Белгиланган тартиб бўйича:
- паспорт олиш учун мурожаат этган шахслар бўйича белгиланган маълумотлар ва биометрик параметрларни тўплаш, ушбу маълумотларни ДПМга юбориш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига биометрик паспортларнинг ўз вақтида берилишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролиқни расмийлаштириш бошқармасининг бўлинмаларига ва Ўзбекистон Республикаси ТИВнинг хориждаги консуллик муассасаларига юкланади;
- (Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 23 июнь куни Оқсаройда Франциянинг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили Пьер Лелушни қабул қилди. Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон билан Франция ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболга оид масалалар, шунингдек, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.
- Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг соғлиқни сақлаш соҳасини ҳуқуқий тартибга солишнинг долзарб вазифалари тўғрисидаги ахбороти эшитилди.
- Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги ҳамда «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Адлия вазирлиги тизимида ижро этилишига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Республикаси ёш спортчилари 29 июндан 7 июлга қадар Сингапурда бўлиб ўтадиган ўсмирлар ўртасида I Осиё ўйинларида иштирок этишади. Осиё қитъаси ёшларининг энг нуфузли мусобақасида қатнашадиган Ўзбекистон спорт делегацияси кеча мамлакатимиз бош майдонидаги Мустақиллик ва эзгулик монументи пойга гуллар кўйди.
- Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўرғазмалар залида «Сўзанажон, сўзана» номли кўрғазма иш бошлади. Латвиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу кўрғазмада таникли санъатшунос Владислав Евневич томонидан узок йиллар мобайнида тўпланган ўзбек каштачилигининг бой ва ранг-баранг тўплами қўйилган.
- Вобкент туманида замонавий дастоҳлар билан тўла жиҳозланган «Вобкентекс йигирувчи» унитар корхонаси иш бошлади. Мазкур корхонанинг фаолият бошлаши 90 нафарга яқин кишининг иш билан таъминланишига имкон яратди. Корхона маҳсулоти — калава ипнинг асосий қисмини Россиядаги «Савдо уйи» орқали сотиш мўлжалланмоқда.

ЖАҲОНДА

- Кеча Россия Федерацияси Президенти Д.Медведевнинг Мисрга ташрифи билан унинг Африка мамлакатлари бўйлаб сафари бошланди. Ташриф чоғида Россия ва Миср ўртасида стратегик ҳамкорлик юзасидан битим имзоланди. Мисрдан сўнг Россия Президенти Нигерия, Намибия ва Анголага ҳам ташриф буюради.
- Британия парламентининг янги спикери сайланди.
- Кеча Украина Олий Радаси навбатдаги президент сайловларининг 2010 йил 10 январда ўтказилиши ҳақида қарор чиқарди.
- Европа Иттифоқининг қишлоқ хўжалик вазирлари иштирокида саммит бўлиб ўтаётган Люксембургнинг марказий йўлларини намойишга чиққан минглаб фермерлар ўз тракторлари билан ёпиб қўйдилар. Улар сут нархининг тушиб кетишига нисбатан кескин норозилик билдирмоқдалар.
- Эрон маъмурияти БМТ Бош қотиби Пан Ги Мунни мамлакатнинг ички ишига аралашганликда айбламоқда.
- Кеча АКШ Президенти Барак Обама мамлакат тарихидаги тамакига қарши энг кескин қонунни имзолади.
- Португалия ҳарбий денгиз кучлари яхтада олиб кетилаётган 5 тонна гиёванд моддани ушлаб қолди. Маълумотларга кўра, яхта Германияда рўйхатдан ўтказилган бўлиб, айна пайтда унинг икки нафар экипаж аъзоси ҳибсга олинган. Воқеа юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.
- Россия ва Венесуэла ҳамкорликда янги банк ташкил этмоқда.
- АКШнинг Флорида штати осмонида «Боинг-727» самолёти бортида АКШлик келин-куёв вазнсизлик шароитида никоҳдан ўтди. Ушбу антиқа никоҳ маросими ёшларга 54 минг долларга тушди.
- Американинг Spink Shreves ким ошди уйи томонидан савдога қўйилган турли жузъий камчиликлари туфайли ўз вақтида чиқитга чиқарилган уч минг нусхадан иборат почта маркалари тўплами 5 миллион долларга сотилди.
- Гонконгда жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб жамоат жойларида чекиш таққиланадиган бўлди. Энди чекиш учун барлар ва бошқа кўнгулочлар жойларда рухсат берилмади. Бундан ташқари, кўчаларда ҳам бу ҳолатни теклашни қўчайтириш борасида тадбирлар жорий этилиши белгиланган.

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

• **БУГУН** Ҳамза туманидаги Шафур Рашидов номли маҳаллада 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўнига бағишлаб маҳалла фаоллари, ёшлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилган тадбир «Журналист ва ҳаёт» деб номланди.

• **ЭРТАГА** Миробод туманидаги Фафур Фулом номли маданият уйида Тошкент шаҳар корейс миллий маданият маркази ҳамкорлигида «Сени мадҳ этдим қўшиқларимда» мавзусида уюштирилаётган концерт дастури азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланади.

• **БУГУН** Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамда шаҳар ўқувчилар ижодий маркази ҳамкорлигида ёзги оромгоҳлар тарбияланувчилари бўш вақтларининг сермазмун ўтишини таъминлаш мақсадида «Болаликнинг сеҳрли дунёси» фестивали ўтказилди.

• **ТОШКЕНТ** Ахборот технологиялари университетига ўқитувчилар, талабалар иштирокида ўтказилган тадбирда янги 2009-2010 ўқув йилидан мазкур зиё маскани қошида «Телевизион технологиялар» факультети ташкил этилганлиги маълум қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПАСПОРТ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасидан ўтиш пайтида паспортларда кўрсатилган биометрик параметрларга биноан шахсни идентификация қилиш Ўзбекистон Республикаси МХХ Давлат чегараларини ҳимоя қилиш кўмитасининг чегара назорати бўлиналари томонидан амалга оширилади.

5. Вазирлар Маҳкамаси ўрнатилган тартибда куйидагиларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

бир ой ичида – Давлат персоналлаштириш маркази тўғрисидаги Низомни;

икки ой ичида – ушбу Фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низомнинг янги таҳририни.

6. Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати мамлакат фуқароларини био-

метрик паспортлар билан таъминлаш тизими самарали амал қилишини таъминлаш мақсадида ИИВ, ТИВ, МХХнинг тегишли бўлиналари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ замонавий жиҳозлар билан таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бир ой мuddатда ДПМнинг "Давлат белгиси" ДИБ ҳудудда жойлаштирилиши ва жиҳозланишини, ажратилган бинонинг капитал ва жорий таъмирланишини, зарур ташкилий техника, офис мебли, алоқа воситалари ва марказнинг самарали фаолияти учун зарур бўлган бошқа моддий-техник воситалар билан таъминласин.

8. Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги республиканинг бошқа манфаатдор вазирликлари ва идоралари билан биргаликда: бир ой мuddатда хорижий тажрибадан чуқур таҳлил қилган ҳолда ва тех-

ник-иқтисодий асосларга мувофиқ ДПМнинг ишлаб чиқариш моддий-техник базасини шакллантиришга доир дастур ишлаб чиқсин ва унинг 2009-2010 йилларда амалга оширилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини биометрик паспортлар билан таъминлаш бўйича ташкил этилаётган тизимнинг самарали ишлашини таъминлаш ва унга хизмат кўрсатадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашни изчиллик асосида ташкил этсин.

9. Молия ва иқтисодиёт вазирликлари бир ой мuddатда Ўзбекистонда биометрик паспортларни жорий этиш бўйича лойиҳани молиялаштириш масаласини ишлаб чиқсин ва кўриб чиқиш учун ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўрнатилган тартибда хорижий давлатлар ҳуқуқларини,

Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотини ва Халқаро стандартлаштириш ташкилотини Ўзбекистонда миллий паспорт тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида хабардор қилсин.

11. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда икки ой мuddатда ушбу Фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича ўрнатилган тартибда тақлифлар киритсин.

12. Ушбу Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юкласин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 23 июнь

Иқтисодиёт

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БОРАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Давлатимизда мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида қизиб кўрсатиш ва сервис соҳасида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилиши ва унга бўлган эътиборнинг йилдан йилга ортиб бораётганлиги, бу соҳанинг иқтисодиётимиздаги ўрни ва аҳамияти ошиб боришига, шунингдек, унинг жадал суръатлар билан ривожланишига сабаб бўлмоқда.

Тасдиқланган маълумотларга таяниб айтиладиган бўлса, 2008 йилда хизмат кўрсатиш соҳасидаги кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар ҳажми 21,3 фоизга ўсди. Натижада бу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 42,5 фоиздан 2008 йилда 45,3 фоизгача ошди. Шу билан бирга 2008 йилда алоқа, молия, банк, транспорт хизмати кўрсатиш, маъий техника ва автомобилларни таъмирлаш соҳалари анча ривожланганлигини кўришимиз мумкин. Бу борада, аynкxса йилга ўртача 50 фоизгача ўсишга эришяётган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида хизмат кўрсатиш даражасини алоҳида таъкидлашимиз лозим.

Хозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг бир бўлаги сифатида қаралаётган касаначиликнинг турли шакллари кенг жорий этишда ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда иш берувчи корхоналар учун ҳам, касаначилик билан шуғулланувчи аҳоли учун ҳам рағбатлантиришнинг яхлит тизими яратилган бўлиб, бу соҳа бандлик ва оила бюджети даромадларини оширишнинг қўшимча манбаига айланиб бораётгани кувонари ҳолдир.

Бунинг баробарида ўтган йил мобайнида юртимизда 661 мингга яқин янги иш ўринлари яратилган бўлиб, унинг қарийб 1/3 қисми хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига тўғри келган бўлса, 97 минг 800 та янги иш ўринлари касаначилик ҳисобидан яратилди. Шу билан бирга касаначиликнинг хизмат кўрсатиш соҳасидаги ролининг салмоқли эканлигини айтиб ўтишимиз лозим. Биргина 2008 йилнинг ўзига касаначилик фаолияти асосида 34 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган ва хизматлар кўрсатилган бўлса, касаначилар ўзларига берилган имтиёزلардан фойдаланган ҳолда бир миллиард сўмдан ортқ маблағни тежаб қолишга эришишган. Бугунги кунда касаначиликнинг аҳолини, биринчи навбатда, хотин-қизлар, аynкxса, кўп болали аёлларни, ёрдамга муҳтож ногиронлар ва меҳнат қобилияти чекланган бошқа шахсларни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятига жалб этишда муҳим ижтимоий аҳамият касб этиши эътиборга сазовордир.

Шунингдек, 2008 йилда хизмат кўрсатиш соҳасининг банк секторига ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Мисол тариқасида келтириладиган бўлса, тижорат банклари «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» шiori етарли аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш, уларга етарли шарт-шароитлар ва имтиёزلар яратиш устида бир қатор муҳим ишларни амалга оширди.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлашимиз лозимки, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасига берилаётган эътибор ва бу борада қилинаётган ишлар бу соҳанинг жадал суръатларда ривожланиб боришига муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Қолаверса, бу соҳага хизмат қилувчи тармоқлар инфратузилмасини янада яхшилаш ва жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган даражага олиб чиқиш учун бизда малакали кадрлар, етарли шарт-шароитлар, моддий ва маънавий асослар ва энг асосийси, бу борада таллаб олинган тўғри йўл мавжуд.

Ихтиёр ДАНАОВ

Фан

МУКАММАЛ МОДЕЛ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг иссиқлик физикаси бўлимида иссиқдодли ёш олимлар ҳам самарали фаолият кўрсатмоқдалар. Илмий изланишлар йўлига тушиб олган ёш олим Санъат Авазов олиб бораётган тадқиқотлар эса мутахассислар эътиборига тушди.

Унинг доира ёки тўртбurchак шаклдаги чегараларни ҳаракатлантирувчи бильярдларини моделлаштиришга бағишланган илмий иш физик олимлар томонидан яхши баҳоланди. Олимнинг фанда эришган ютуқлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимлари халқаро ассоциациясининг махсус гранти билан тақдирланди.

ЙИРИК ТАДҚИҚОТ

Кейинги йилларда фаннинг сейсмология йўналишида олиб борилган изланишлар натижаси ўлароқ қатор илғор тажрибалар юзга келди.

Ўзбекистон Фанлар академияси сейсмология институтига амалга оширилган йирик тадқиқот эса «Шарқий Ўзбекистон худудини ижтимоий-иқтисодий баҳолашда сейсмоекотик, сейсмологик мезонларнинг тутган ўрни» деган илмий иш учун асос бўлиб хизмат қилди. Бу тавсиялар геологик аҳамияти билан ҳам эътиборлидир.

Акбар АЛИЕВ



2009 — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

МОДЕРНИЗАЦИЯ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашда уларга тижорат банклари томонидан ажратилаётган молиявий кўмакнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

«Сувсаноатмаш» акциядорлик жамиятида ҳам 750 минг АҚШ доллари микдоридagi банк кредитларидан самарали фойдаланиш режалаштирилган бўлиб, шу асосда янги замонавий дастгоҳ ва ускуналар келтириб цехларга ўрнатишга эришилади.

Бугунги кунга келиб мазкур жамоада 190 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Бу ерда асосан қишлоқ ва сув хўжалиги объектларининг ишга лаяқатлилигини таъминлашни кўзда тутган ҳолда улар учун ностандарт ускуналар, гидротехник кўтармалар, экскаваторлар учун эҳтиёт қисм хамда узеллар, дала жойларга мослаштирилган вагонлар, турли пўлат ва чўян буюмлар тайёрланмоқда.

Ўтган йилда корхонада ишлаб чиқариш қуввати бирмунча ошди ва соф фойда 90 миллион сўмни ташкил этди. Барча буюртмаларни муваффақиятли удалашга муваффақ бўлинди. Бу ютуқларда, албатта, модернизация ишлари яхши самара берди. Чунки маҳсулот сифатини оширишни кўзлаган ҳолда резина-техника буюмлари участкаси модернизация қилинди, 2-токарлик дастгоҳи таъмирдан чиқарилди. Жорий йилда ҳам бу борада режадаги ишлар амалга оширилмоқда.

Шуниси эътиборлики, эндиликда тадбиркорлар нафақат ички, балки ташқи бозордан ҳам буюртмачиларни жалб этишни режалаштиришган. Хозирда улар Туркменистон, Қозоғистон сингари қўшни давлатларга ўзларининг маҳсулотларини етказиб беришни мақсад қилишмоқда. Шунингдек, жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажмининг бир неча баробарга оширишни кўзда тутишган бўлиб, бугунги барча саъй-ҳаракатлар ана шунга яраша бўлмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: акциядорлик жамиятида малакали мутахассислар меҳнат қилишади.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий- иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби хорижий мамлакатлар ишбилармон ва эксперт-таҳлил доиралари вакиллари ўртасида кенг муҳокама этилмоқда.

Асар қисқа вақт ичида дунёнинг қатор тилларига таржима қилиниб, нашр этилиди ва чет мамлакатларнинг етакчи иқтисодчи ҳамда олимлари томонидан ўрганилмоқда. Яқинда Ҳиндистоннинг бир гуруҳ нуфузли иқтисодчи, эксперт ва таҳлилчилари ташаббуси билан Президент Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби ҳинд тилида нашрдан чиқди.

Ўзбекистон Президентининг асари аҳолиси бир миллиард кишидан ошиб, айни пайтда дунёнинг кўплаб бошқа давлатлари каби глобал молиявий-иқтисодий инқироз билан тўқнаш келиб турган Ҳиндистон каби мамлакатда чоп этилгани билан аҳамиятлидир.

Китобнинг ҳинд тилидаги наشري ушбу мамлакат илмий-таҳлил ва ишбилармон доиралари вакиллари ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Мазкур воқеани шарҳлар экан, улар Ўзбекистон раҳбарининг асари Ҳиндистонлик мутахассислар ва иқтисодчилар учун Ўзбекистоннинг инқирозни енгиш борасидаги тажрибасини ўрганиш нуктаи-назаридан муҳим аҳамиятга эга эканига урғу бермоқда.

«Ҳиндистон — Ўзбекистон» жамияти бошқаруви аъзоси, Дехли университетининг профессори, доктор Халид Алви китобда ҳам Ҳиндистон, ҳам Ўзбекистон учун долзарб бўлиб турган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг сабаб ва оқибатлари ёритилганини кўриб эганди.

«Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган глобал иқтисодий таназуллини бартараф этишни назарда тутувчи мамлакат миқёсидаги тақлиф ва ташаббуслар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини енгилаштириш чораларини излаётган Ҳиндистонлик иқтисодчилар учун ҳам фойдалидир, — дейди Х.Алви. — Ўзбекистон каби Ҳиндистон ҳам жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига тўқнаш келмоқда. Ҳиндистонда иқтисодий ўсиш суръатининг пасайиши, ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши, банк-молия тизими, аҳоли бандлигини таъминлаш соҳаларида айрим муаммолар кузатишмоқда. Мамлакат ҳуқуқати инқирознинг таъсирини камайтириш, иқтисодий ўсиш суръатини сақлаб қолиш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлашга йўналтирилган катор чора-тадбирларни қабул қилмоқда. Давлат бозор жараёнларини назорат қилишига тўғри келмоқдаки, акс ҳолда улар иқтисодиётдаги нормал ривожланишни издан чиқариб юбориши мумкин.

Ўзбекистон Президентининг асарида инқирозга қарши кураш борасида устувор аҳамият касб этадиган барча соҳалар қамраб олинган. Бундан ташқари, китобда келтирилган далиллар ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш ҳамда иқтисодий жараёнларда давлатнинг аҳамиятини сақлаб қолиш-

га қаратилган иқтисодий тараққиётнинг «Ўзбек модели» самарали эканини намойиш этмоқда».

Ҳиндистоннинг Гурбий Бенгал штати савдо-саноат палатаси раҳбари Анулам Шоҳ мазкур китоб, авваламбор, ўзбекистонлик тадбиркорлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган ҳинд бизнесменлари учун фойдали эканини қайд этди.

«Штатимизнинг бир қатор фирма ва компаниялари ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлик қилади, — дейди А.Шоҳ. — Уларнинг айримлари ўзбекистонлик бизнесменлар билан ҳамкорликда турли маҳсулотлар ишлаб чиқаруви ва аҳолига хизматлар кўрсатуви қўшма корхоналарни ташкил этишган. Айни пайтда уларнинг бизнеси ривожланиб, улар Ўзбекистонда фаолият юритаётганидан ниҳоятда мамнун. Президент Ислом Каримовнинг асари китобини аниқ мисоллар асосида мам-

«ЎЗБЕКИСТОН — ТАШҚИ ТАЪСИРЛАРДАН ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЛАНГАН, БИЗНЕС УЧУН ҚУЛАЙ МАМЛАКАТ»

лакат раҳбариятининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши курашиш борасидаги чора-тадбирлари билан таништириди, уларни холис баҳолашга имкон беради.

Асарни ўқиган ҳар бир одам Ўзбекистон раҳбарияти томонидан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши туриш борасида самарали чора-тадбирлар қўрилаётганига амин бўлади. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон чет эл сармоялари ташқи таъсирлардан ишончли ҳимояланган, бизнес юритиш учун ниҳоятда қулай мамлакат деган фикрни яна бир бор тасдиқлайди».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобининг тақдими ҳамда «Навий» эркин индустриал-иқтисодий зона доирасидаги сармоявий ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик масаласига бағишланган семинар шу кунларда Япониянинг Осака шаҳрида бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчилари Президент асарининг мазмун-моҳияти билан таништирилди. Таъкидландики, мамлакат ҳуқуқати томонидан ўз вақтида қўрилган чора-тадбирлар инқирознинг мамлакат иқтисодиётига таъсирини юмшатиб, Ўзбекистонда қабул қилинган ислохотлар модели инқироз шароитида ўз самарасини намойиш этди.

Президент асари ҳақидаги таасиротлари билан ўртоқлашар экан, Япония парламенти кўйи палатаси депутати, Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш қўмитаси бош котиби Коки Чума Ўзбекистон, инқирозга қарамай, иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатини намойиш этаётгани, бу эса мамлакатда узокни қўзлаб амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг маҳсули эканини таъкидлади. Ўзбекистон билан Япо-

ния ҳамкорлигини кенгайтириш истиқболларига эътибор қаратиб, К.Чума икки давлат ўртасида стратегик муносабатлар ўрнатилганини қайд этди.

Япония иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлигининг Канкай минтақасидаги бюроси бош директори Томофуми Хиракунинг айтишича, Президент Ислом Каримовнинг китоби прогрессив руҳда ёзилган бўлиб, халқаро аҳамиятга эга.

«Ўзбекистон Президенти томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий моделнинг самарадорлиги инқироз даврида мамлакат иқтисодий ривожланишининг юқори кўрсаткичлари билан исботланган, — дейди Т.Хираку. — Бу эса Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида ўз етакчилигини мустаҳкамлаётганидан далолатдир. Ўзбекистоннинг иқтисодий муваффақиятлари бу ерга кириб келаётган Япония сармоялари ҳажмининг ошиши учун асосий омил бўлиб қолади».

Ўзбекистон Республикасининг Осака шаҳридаги фахрий консули Тошио Тоуранинг таъкидлашича, «Президент Ислом Каримовнинг китобида келтирилган далиллар япониялик ишбилармонларнинг Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини муваффақият билан енгиб ўтаётгани ва сармояларни жойлаштириш учун қулай мамлакат эканига бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди. «Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш, мамлакат иқтисодиётига сармоя олиб кириш ниятида бўлган Япония компанияларининг сони торабга ошиб бормоқда. Ўзбекистонда уларни ёрқин истиқболлар кўтаётганига ишончимиз комил».


«Навий» эркин индустриал-иқтисодий зона лойиҳаси доирасидаги ҳамкорлик тўғрисида гапириб, Т.Тоура Ўзбекистонда яратилган қулай инвестицион клим ҳамда ишончли шартнома-ҳуқуқ базасининг мавжудлиги Ўзбекистон-Япония ҳамкорлигининг тараққиёти учун кенг имкониятлар ярати бераётганини таъкидлади. «Навийдаги ЭИИЗ барпо этилиши билан ишбилармонларимиз ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги соҳалари очилмоқда», — деди юртимизнинг фахрий консули.

Япония ташқи савдо ташкилоти (JETRO) МДХ мамлакатлари департамент директори Манабу Шимояширо Марказий Осиё давлатлари орасида етакчи бўлган Ўзбекистон Япония компаниялари билан ҳамкорлик қилиш борасида энг ёрқин истиқболга эга эканини таъкидлади.

«Ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилиш, саноатнинг барча соҳаларини мутаносиб тарзда ривожлантириш модели Ўзбекистон иқтисодиётида бир қатор янги соҳаларнинг юзга келишига сабаб бўлиб, дунёнинг етакчи компаниялари уларга қизиқиш билдирмоқда, — деди М.Шимояширо. — Навийдаги эркин индустриал-иқтисодий зона МДХ ва Марказий Осиё мамлакатлари бозорига киришга ҳаракат қилаётган Япония компаниялари учун янги истиқболларни очди. Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилаётган Кунчар мамлакат компанияларининг тажрибаси юртингиз ишончли шерик эканининг тасдиғи бўлиб, Япониянинг Ўзбекистон бозоридagi нуфузини юксалтиришнинг муҳим омилли бўлиб хизмат қилади».

«Жаҳон» АА

Хатлар — ҳаёт ойнаси



Юнусобод туманининг «1-Отчопар» маҳалласидаги иншоотга «Республика болалар бадий ижодиёти маркази» деб ёзиб қўйилган. Ҳовлининг ўнг томони гулзор, мевали ва манзарали дарахтлар, ҳаммаёқ чиннидек супурилган, саранжом-саришта. Бинонинг ичкарасига қадам қўйишингиз билан сиз ўзингизни гўё эртақлардаги болалар оламига кириб қолгандек ҳис этасиз.

Келажакимиз билан учрашув

ПАРВОЗИНГ БАЛАНД БЎЛСИН, БОЛАЖОН

Ўнг томондан катта хонани болалар ижоди намуналари — кўргазмалар зали банд этган. Жажжи мусаввирлар нигоҳида олам ва одам, табиат ва ҳаёт, бегубор бола каби мавзулар камалаксимон рангларда жилонаниб, ўғил-қизларимиз тафаккур гулшанининг нақадар кенглигини тасдиқлаганди бўлади.

Иккала қаватга жойлашган 19та йўналишдаги 30 та ижодий студияда 500 нафарга яқин болалар санъат сирларидан воқиф бўлишди. Хоналар, йўлақлар озода ва орасталгини кўриб, марказ раҳбарининг ниҳоятда талабчан эканлигини ҳис қиласан киши.

Аслида ҳам шундай бўлиб чиқди. Директор хонасига кирганимизда Санобар опа Шодиева компьютерда яқин ойларга мўлжалланган иш режасини кўчираётганди. Демак, у аввало, ўзини талабчан экан, деган таассурот туғилди бизда. Сўбатимиз давомида марказнинг ўз фаолиятида ўнлаб иқтидор эгаларини кашф этганлиги, асосан кам таъминланган оилалар фарзандлари, соғломлаштириш масканлари, махсус мактаб-интернатлардаги тарбияланувчилар, шунингдек, имконияти чеklangан ўғил-қизлар ўз маҳоратларини ошираётганликлари маълум бўлди.

Марказимизнинг кулолчилик, ҳайкалтарошлик, мусаввирлик, зардузлик, нақошлик, попогчилик, Шарқ миниатюраси каби студияларида таълим олиб, хунар сирларини кўнгил билан ўрганаётганлар орасида юртимиз амалий санъатини жаҳонга кўз-кўз қилаётган ёшлар анчагина, — дейди марказ раҳбари, юзлаб ижодкор ёшлар устози Санобар Шодиева. — Улар энг сара асарлари

билан нафақат мамлакатимиз, балки АҚШ, Япония, Швейцария, Миср Араб Республикаси, Туркия, Чехия, Эквадор, Янги Зеландия, Польша каби давлатларда ўтказилган халқаро кўргазмаларда қатнашиб, олтин, кумуш ва бошқа медаллар, кубоклар, сертификатлар билан тақдирландилар. Башарти буларнинг рақам билан ифода этадиган бўлса, мукофотга лойиқ қўрилган ёшларимиз сони 200 нафардан зиёдроқни ташкил қилади.

Таъкидлаш жоизки, ушбу марказда касб-хунар бепул ўргатилишидан ташқари, кўрик-танловлар соғломлик олий ўқув юртига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар. Улар сафи эса тобора кенгайиб бораёпти. Чунончи, Нурали Бобомуродов Ҳиндистоннинг энг олий мукофоти — Жавохарлаъл Неру номи стипендия совриндори бўлди. Ёрқиной Саноева, Тамилла Мамедова, Алишер Қораёев, Елена Лемашко Ҳиндистонда бўлиб ўтган халқаро кўргазманинг катта ва кичик медаллари билан тақдирландилар. Швейцариянинг Лозанна шаҳридаги кўргазмада эса 23 нафар ёш ижодкор Халқаро Олимпия Кўмитаси президенти томонидан сертификат ва махсус совғаларга лойиқ қўрилди. 11 ёшли Музаффар Зуфоров Италиядаги заргарлик бўйича кўргазмадан соврин олиб қайтган бўлса, 14 ёшли мусаввир Аҳмад Ҳамроев эса Чехия, Миср, Япония ва Ҳиндистонда ташкил этилган болалар расмлари халқаро кўргазмаларида қатнашиб, олтин медални кўлга киритди. Унинг асарлари композицион ечимининг ўзига хослиги ва бетакрорлиги билан ажралиб турган

ни учун ҳам шундай эътирофга сазовор бўлди.

Бундай рўйхатларни яна давом эттириш мумкин. Бироқ асосий гап мукофотланганларнинг сонидан эмас, энг муҳими, марказ фаолият доирасини кенгайтириб, вилоятларда унинг филиалларини қўйиштириш, болалар ижодиётини кенг тарғиб қилиш, ота-боболаримиз мерос қилиб қолдирган мактабни пухта ўрганиш ва ривожлантириш, келажак авлод вақилларини бадий жихатдан камол топтиришда кенг имкониятлар яратиш масалалари устида чинакамига жонбозлик кўрсатишдан иборат. Ҳозирда марказнинг Бухоро, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида шохобчалари фаолият юритаётгани аниқ мустақил. Чунки, бундай шохобчалар қанчалик кўпайса, иқтидорли ўғил-қизларимизни улларга жалб қилиш салмоғи шунчалик яхшиланади.

Ибрат олса арзигулик яна бир янгилик. У ҳам бўлса, кечаги ўқувчилар бугун ўзлари шоғирдлар етиштириётдилар. Жумладан, марказнинг собоқ тарбияланувчиси Жамол Эсанов Оқдара туманида ёғоч ўймакорлиги бўйича мактаб очиб, 20 нафардан зиёд шоғирдларига орттирган тажрибаларини ўргатмоқда. Абдували Латипов эса нақошлик санъати бўйича «Усто» бирлашмасида шоғирдлар етиштирмоқда.



Яна бир гап. Ҳадемай, балки бир неча ойдан сўнг фақат ижодий студияларда машғул ўтказиш билан кифояланмай, болаларнинг бевосита табиат қўйнида ижодий иш билан шуғулланишлари имконият яратиб берилар экан. Санобар Шодиеванинг таъкидлашича, Республика ва Халқаро кўргазмаларда фаол иштирок этиш, мамлакатимиз ва хориқлик санъат усталари билан ижодий мулоқотлар, турли семинарлар болалар истеъдодини шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётди. Шунга ўзаша кўплаб хайрли тадбирларни ўтказишда Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликлари, Халқ таълими вазирлиги, турли жамғармалар ҳамда республика Бадий академияси бевосита ҳомийлик қилаётганликлари тахсинга лойиқдир.

Абдунаби МАННОПОВ СУРАТДА: республика болалар бадий ижодиёти маркази фаолиятдан лавҳа

Ҳақимжон Солиқов олган сурат

Алоқа

ТАРМОҚДА «КОИНОТ ЭЛ-СТМ» УСКУНАЛАРИ

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси замонавий алоқа технологияларини амалиётга таъбиқ этиш борасида бой тажриба орттирмоқда. «Коинот» очик акциядорлик жамияти томонидан ихтиро қилинган янги қурилмалар ҳам амалиётда яхши самаралар бермоқда.

Бу корхонада ишлаб чиқилган «Коинот Эл-СТМ» деб номланган ускуналар замонавий алоқа хизматларини кенг йўлга қўйишда қўл келди. «Қишлоқ ҳудудларини тармоққа жорий қилиш» деб номланган анжуманда «Коинот» жамияти масъул ходимлари ҳам сўзга чиқишиб, корхонада олиб борилаётган техникавий изланишлар натижалари ҳақида маълумот бердилар.

ЭЛЕКТРОАКУСТИКАГА ОИД ҚЎЛЛАНМА

Тошкент Ахборот технологиялари университетининг «Радиотехника, радиоалоқа ва телерадиоэшиттириш» факультети ҳар йили кўплаб малакали мутахассисларни тайёрлаб келмоқда.

Бу борада «Телевидение ва радиоэшиттириш» кафедраси томонидан муҳим маърифий тадбирлар амалга оширилмоқда. Кафедранинг бир гуруҳ тажрибали педагоглари «Фахрий радист», «Моҳир алоқачи» деган фахрий номга сазовор бўлди. Яқинда кафедра олимларининг самарали изланишлари билан «Электроакустика» ўқув қўлланмаси чоп этилди.

ЯНГИ БАЗА СТАНЦИЯЛАРИ

«Ўзбектелеком Мобайл» корхонасининг қўшимча хизматларни ривожлантириш ва маркетинг бўлими изланиши билан намунали хизмат турлари жорий этилмоқда.

Бундай янги база станциялари фаолияти ҳам муҳим ўрин тутмоқда. «Алкотел-Лукент» компанияси томонидан ишлаб чиқилган бундай қурилмалардан 20 таси республикамизнинг турли вилоятларида ишга туширилди.

Ушбу компания ёрдамида коммутиация марказлари модернизация қилинмоқда.

Санъат

ЗАВҚ-ШАВҚ УЙҒОТИБ

Шайхонтоҳур туманида театр ҳаваскорлари ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

Унда тумандаги таълим ўчоқларида фаолият кўрсатаётган мактаб бадий ҳаваскорлари ўз ихроқчилик маҳоратларини намойиш қилдилар. «Олтин қалит» театр-студияси томонидан тайёрланган постановкалар фестивалда яхши баҳоланди. Инглиз драматурги Оливер Гольсмитининг «Адашган тун» деб номланган асари асосида постановка қилинган сахна асари айниқса қизиқши уйғотди.

«Янги авлод форуми», «Гулшан» маданият саройи сахналарида яна қатор спектакллар кўрсатилди.

«СЕВИНЧ»НИНГ ТАРОНАЛАРИ

Пойтахтимиздаги «Севинч» вокал студияси бадий ҳаваскорлар учун маҳорат даргоҳига айланиб қолди.

Кейинги йилларда студия аъзолари томонидан бир неча сахна асарлари тайёрланди. Студиянинг балетмейстер ва мусиқа раҳбарлари изланишлари билан сахна юзини кўраётган асарлар ҳам репертуардан мустаҳкам ўрин олди.

Бу ерда «Ансамбль», «Хор» деган маҳорат мактаби ҳам шаклланди. Шу йўналишда ҳам постановкалар тайёрлашга киришилди.

ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкентдаги ёшлар ижодиёти маданият саройида намойиш қилинган мусиқали дастурдан пойтахтимизни мадҳ этувчи қатор тароналар ўрин олди.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб саҳналаштирилган бу томоша Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётганлар учун махсус тайёрланди.

«Ракс» ансамбли ёш истеъдодлари ихро этган тароналар эса энг яхши ижод намуналари деб топилди.

Акбар АЛИЕВ

Газетхон фикр юритади

БИРОВНИНГ ДИЛИ ОҒРИМАСИН

Дунёда ўзбекнинг тўйидан ҳам гўзалроқ маросим бўлмаса керак. Қўш кабутардай эгилиб турган келин билан кўёвнинг таъзим-ла уялиб боқишларининг ўзи, ўзбекхона қадриятларимизга бўлган меҳримизни янада ошириб юборди.

Бироқ баъзан ушбу тўйларнинг якунида шундай кўнгилсиз вазиятларга тушиб қола-сизки, яна ўша ўзбекхона шарму ҳаё юрагимизга наштардай ботади. Айниқса, ёш-ёш қизларнинг беўшов ўйинлари ва «отиб» олган йигитларнинг қийшанглаб муқом қилишлари ёши улуг отахон ва онахонларимизнинг нафсониятларига тегиб кетади. Тўғри тўй кўпчилигининг орзу-хаваси билан ташкил қилинган кўтлуг ва муқаддас кун, унда ҳамма дилдан ўйнаб-кулгиси келади. Аммо шундай кунда ичкилик туфайли кимнингдир дилини ранжитиш ҳам яхши эмас. Мен тўйлар ичкиликсиз ўтсин демоқчи эмасман, фақат уни истеъмо қилаётган шахс ўз обрўсини ушлаб хатти-ҳаракатларини билиб турсин, бировнинг орзу-хавасли тўйини кўнгилсизликка айлантормасин, демоқчиман. Бу гапим баъзи бир ёшлар билан биргаликда катта ёшдаги акаларимизга ҳам тегишли...

Феруз ИСЛОМОВ,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси



Яқинда, Амир Темур хиёбонидан келар эканман, кўзим ногоҳ ёш йигит ва қизга тушди. Улар тахта ўриндиқларга ўтириб олиб, нималарнидир бахслашиб, атрофга ниста қақиб ташламоқда эдилар. Атрофга разм солсам ҳамма ёқда ниста пўчоғи, турли конфет қозғалари сочилиб ётибди. Одам гавжум боғда бировнинг биров билан иши йўқ. Индамай ўтолмадим, бориб секингина танбех бердим. Оллоҳга шукри, ёшлар юзимга қараб бетгачопарлик қилишмади. Секингина, «Уэр амаки, узр», — дея ўрниларидан туришди ва хижолат-

...мулоҳазаси билан ўртоқлашади

ЎЗИМИЗ ЎРНАК БЎЛАЙЛИК

Яқинда табиатга ошuftа кўнглим сайр қилишни ихтиёр этди. Метродан чиқиб анча пийда юрдим. Сабоби, тоза ҳаво, ҳар қандай дардга даво доно нақли бежизма айтилмаган. Ҳар сафар газеталар жойлашган бинога борганимча атрофни кузатаман. Кузатувчанлик асли феълимга хоҳ фазилат.

пазлик билан ён-атрофга жавдираб боқишди. Уйланиб қолдим, ёшларимизни бетгачопар, ўз билганидан қолмайдиган бўлиб кетишган, деб кўп нолийимиз. Аслида унақа эмас. Ахир улар бизнинг болаларимиз. Шарқона одоб ва ахлоқдан тарбия топган ўзбек болалари.

Ёшларимизнинг беандиша, одобсиз бўлиб кетди деяётганларга эътирозим бор.

Уларга ўзимиз етарлича вақт ажрата олмаганимиз, кўнглига қулоқ солмаганимиз, фикр, ўйлар билан ўртоқлашишга эса вақт топмаганимиз. Нима бўлганда ҳам фарзандларимизга яқинроқ бўлайлик, одоб ва

ахлоқни, яхшилиқни, эзгуликни, оқ ва қорани, энг асосийси эса инсонийлик бурчларини англашда биз катталар ўзимиз уларга ўрнак бўлайлик.

Саидқарим СОВТОЛДИЕВ,
Учтепа туманидаги «Кўркамобод» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

Сўранг, жавоб берамиз



Эр-хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулкларни, шунингдек, никоҳ қўйд этилгунга қадар, қайдақ эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулкларни, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулк ҳисобланади, дейилади. Шу тўғрими?

Л.Исломова,
Сергели тумани
Эр ва хотиндан бири уй-рўзғор ишларини

юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳақи ва бошқа даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам эр ва хотин умумий мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуққа эга бўлади, мулкни тасарруф этишни эр-хотин ўзаро розилик асосида биргаликда амалга оширадилар. Битим тузган эр (хотин) уни тузилиши учун иккинчи томоннинг розилигини олганлигини исботлаши шарт эмас. Мулкни бўлишда эр-хотиндан ҳар бири-

тган эр-хотинларнинг мол-мулк борасидаги келишмовчиликларнинг ва тарафлар муносабатларидаги бу билан боғлиқ паст-баланд гапларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхати-га олингунга қадар ҳам, шунингдек, никоҳ даврида тузилиши ҳам мумкин бўлиб, бундай шартнома ёзма шаклда тузилади ва нота-риал тартибда тасдиқланиши мумкин.

Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг келишуви билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Ушбу саволга ҳусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Дилфуза АЛИМЖАНОВА жавоб берди.

Мактуб кўнги ойнаси, дейишади. Унга дилинган кечаётган барча ўй-фикрларни, шодлиги қувончларни, изтироб таъшишларни бемалол ёзиб енг тин олиш мумкин.

Азизлар, «Хатлар — ҳаёт ойнаси» санифиса ойда бир маротаба чиққани билан, газетамиз ҳафтанинг беш кунда узлуксиз равишда чоп этилади. Сизнинг ҳар қандай ўринли фикрингиз, ўю мулоҳазаларингиз биз учун қимматлидир. Сиз билан кечадиган мулоқотлар, мунозаралар, мушоҳадалар, эътироф, эътироз ва берган таклифларингиз албатта жамиятимиз тараққиёти ва раванқиди, юртимиз фаровонлиги ва халқимизнинг осуда, тинч ҳаётида ўзига хос аҳамият касб этади. Бизга кўнги-роқ қилинг ёки мактуб йўлланг.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Телефон: 233-29-55

Тадбирлар

ДУНЁНИНГ БАРЧА ГЎЗАЛЛИГИ БОЛАЛАР УЧУН

Кунни кеча Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат бонда Шайхонтохур туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ЁИХ туман Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, туман халқ таълими бўлими, маданият ва истироҳат бонда ҳамда «SPENTEX Tashkent - To'ytara» хоржий қорхонаси билан ўзаро ҳамкорликда, шунингдек, бошқа ҳомийларни жалб қилган ҳолда боқувчисини йўқотган, кам таъминланган ва имконияти чекланган болалар, 98-мактаб интернати ва 37-сонли ёрдамчи мактаб тарбияланувчилари, жами 600 нафар болалар учун «Дунёнинг барча гўзаллиги болалар учун» шiori остида хайрия тадбири ўтказилди.

— Ушбу тадбирни уюштиришдан мақсад болажонлар кўнглига озгина бўлсада қувонч, шодлик улаштириш, — дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сурайёхон Пулатова. — Токи улар ҳаммаша она-Ватани, Юртбошимиз ва меҳрибон инсонлар ардоғида, эъзозда эканликлари, ҳаётда ёлғиз эмасликларини сезиб, тушуниб, келажакка интилиб яшасин.

Туман маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан тайёрланган мусиқий композициялар, туман болалар

ижодиёти уйининг «Тантана», «Марварид», «Феруза» гуруҳлари ва бошқа қатор болалар гуруҳларининг чиқишлари кечага ўзгача файз бағишлади.

Шунингдек спорт мусобақалари, турли викториналар ўтказилди ва ғолибларга совғалар берилди. Тадбир сўнггида болалар ҳомий ташкилотлар томонидан тайёрланган музқаймоқ, ширин булочкалар ва салқин ичимликлар билан сийланиб, уйин аттракционларига бепул чипталар тарқатилди.

— Бугун ҳаётимдаги энг унутилмас

кун бўлиб қолади. — дейди 37-ёрдамчи мактаб ўқувчиси Раҳматилла Ботиров. — Уртоқларим билан мазза қилиб аргимчоқларда ўчдик, концерт томоша қилдик, янги дўстлар билан танишдик. Тадбир ташкилотчилари бундай қувончли кунларни кўпроқ уюштириб туришларини истардик.

Тадбир иштирокчиларига Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва «Камолот» ЁИХ томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА



ОЗ-ОЗ ЎРГАНИД

ДОМО БЎЛАҶ

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР МАХТУМУҚУЛИ

Ошиқлик дардига топилмас чора.

Чин ошиқнинг қилган аҳди бузилмас.

Бир ерга кўп борсанг
қадринг оз бўлар.

БЕРДАҚ

(Музаффар Аҳмад таржимаси)

Бекор қирқ кун қайғу-ҳасрат
чеккандан

Тан соғлиқда бир кун
хандон яхшироқ!

Тугилдингми — хизмат
қилгин эл учун,
Жонингни аяма элда эр учун,
Киндик қонинг томиб, туққан ер учун
Ўлиб кетгунингча хизмат яхшироқ!

Ўзга бировларни сайлаб йўлдошинг,
Оқизма ўз дилбарининг кўз ёшин,
Ёмон бўлса ҳам у умрлик сирдошинг,
Вақтинча қўл берган
хурдан яхшироқ!

Тасодифда қўлни қийса бир қамиш,
Шул вақт қон тўхтатган —
дўстдан яхшироқ!

Эр йигитга номус керак, ор керак,
Оққўнғил, қаламқош,
севар ёр керак.
Меҳмон келса, кутмоққа
ҳам ҳол керак,
Сўймоққа бир эчки —
молдан яхшироқ

«Ассалом!» деб отдан
тушган ул меҳмон,
Ўтирар уйингни қилиб имтиҳон,
Кўз, оёқли, тили чўлоқ бир инсон
Хунарсиз, укувсиз қўлдан яхшироқ!

Тонгсахар уйғониб, юмушга чиқиб,
Кўлингни қавартиб, белингни букиб,
Тиззангни қақшатиб,
меҳнатин чекиб,
Еган бир зоғоранг болдан яхшироқ!

Теран ақл керак сўзни тизмоққа,
Тиниқ хаёл керак барин сезмоққа.

Нафсин ўрадай очгани —
Бор обрўйининг қочгани.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Мустақиллик йилларида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар соғлигини сақлаш, соғлом оилани шакллантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Хусусан, Президентимизнинг жорий йил 13 апрелдаги «соғлом авлоднинг шакллантириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида»ги Қарори ҳам айнан ёш авлод камолоти йўлидаги яна бир муҳим қадам, шунингдек, юқоридаги фикрларнинг ёрқин далилидир.

Маълумки, оила ва жамият таянчи, соғлом ва баркамол авлод тарбиячиси бўлган аёлларга ҳурмат-иззат кўрсатиш азалий қадриятларимиздан саналади. Мустақиллик йилларида бу борадаги эзгу аънава ва урф-одатларимиз ангинача маъно ва мазмун билан бойиб бормоқда. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, репродуктив ёшдаги хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган эътибор жамиятнинг ижтимоий тизимини ақс эттирувчи, аҳолининг ҳимояга муҳтож тоифаси — болалар, ёшлар, оналарни ҳар томонлама муҳофаза этишга замин яратмоқда.

Оилада соғлом муҳит ва хотин-қизларнинг шакллантириш, соғлом болалар туғилиши ва уларни тўғри тарбиялаш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида аҳолининг тиббий маданиятини оширишга бугунги кунда катта аҳамият берилмоқда. Аёллар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш, оилада тиббий саводхонликни ошириш натижасида оилаларнинг мустаҳкам бўлиши, ажримларнинг камайиши, ногирон фарзандлар туғилишининг олдини

олишга эришилмоқда. Зеро соғлом авлод — соғлом миллат, соғлом жамият дегани. Шундай экан, келажакимиз бўлган ёшларни турли хил ёмон иллатлардан сақлаш лозим. Бунинг учун соғлом оилани шакллантириш, ирсият билан боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш кўзда тутилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги қарори оила қуриш учун ариза берган келин-куёвларнинг соғлигини тўйдан олдин аниқлаш, бирон касаллик сезилса уни вақтида даволаш имконини яратди. Ушбу қарорнинг ижроси йўлида шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси билан ҳамкорликда никоҳланувчи ёшларни тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, Оила маросимлари маркази қошида «Оила — муқаддас Ватан!» деб номланган ёш оила қурувчилар дорилфунуни фаолият олиб бормоқда. Дорилфунуни ташкил этишдан эса оила қурувчи ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва тиббий билимларини ошириш, ёшларда аждодларимиз меросига ҳурмат, Ватанга садоқат, миллий урф-одат ва аънаваларимизни, оиланинг муқаддаслигини тушунириш, маънавий-маърифий тарбиянинг янги йўллари излаб топиш, оилавий ажримларнинг олдини олиш, оила қонуқчилиги, тиббий кўриқнинг моҳияти, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ҳар қандай

қийинчиликлардан чиқишга йўл топа оладиган шахсларни, бўлажак ота-оналарни тарбиялаш каби бир қатор хайрли мақсадлар кўзланган.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, кейинги вақтларда айрим ёшлар ўртасида баъзан қонуний никоҳдан ўтмасдан туриб, шаръий никоҳ орқали турмуш қуриш ҳоллари учраб қолмоқда. Ачинарлиси, эндигина турмуш қурган ёшларда турли касалликлар юзага чиқмоқда. Чунки, қонуний никоҳдан ўтаётган ёшлар тиббий кўриқ асосида кейинги бўладиган турли нохушликларнинг олдини оладилар. Шаръий никоҳдан ўтаётган айрим оила аъзоларида хавфли юқумли касалликлар мавжудлиги кузатишмоқдаки, бунда қанча оилалар нотинчлиги, ногирон туғилдиган фарзандлар тақдири қандай кечишини фикрласак, ўйламай босилган қадамнинг қанчалик қимматга тушишини аниқлаб етамиз.

Бугунги кунда ўсиб келаётган ёшлар учун барча шарт-шароитлар яратилган, шундай экан ундан ҳар томонлама ижобий фойдаланиш, тарғиб-ибодат-ташвиқот ишларини олиб боришимиз лозим.

Мақсадимиз она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, ёшлар ўртасида соғлом оилани шакллантиришдир. Зеро соғлом она соғлом келажакдир.

Муяссархон
ИСМАТУЛЛАЕВА,
Оила маросимлари
марказининг 2-тоифали иш
юртувчиси

Нақд пул тушуми истиқбол кўрсаткичларини яхшилаш, банкдан ташқари нақд пул муомаласини қисқартириш, пул инфляциясининг олдини олиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 августдаги «Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини ҳамда 2009 йил ойма-ой белгиланган прогноз кўрсаткичларини бажариш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 9 апрелда «Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом асосида Учтепа тумани Давлат солиқ инспекциясининг тегишли бўлими ходимларини жалб қилган ҳолда жорий йилнинг январь-май ойларида ДСИ бошлигининг буйруғи билан 2691 та савдо, умумий овқатланиш ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларида хронометраж тадбири ўтказилиб, бир кун олдинги тушган тушумга нисбатан 833597,0 минг сўмга ошири билан топширилишига эришилди.

Солиқ

ТЕКШИРУВДА АЁН БЎЛДИ

Жумладан, факатгина май ойининг ўзида шундай тадбирлар давомида бир кун олдинги тушган тушумга нисбатан маблағлар 108900,0 минг сўмга ошири билан топширилди.

Учтепа тумани ДСИнинг «Қисқа муддатли текширишларни ўтказиш» бўлими ходимлари Р.Абдураимов ва Н.Назировлар томонидан Учтепа тумани Тошкент Халқа йўлининг 7-километридаги «Меъмор Алишер» ХК биносида жойлашган «Морад Интекс» бўлими ходимлари Р.Абдураимов ва Н.Назировлар томонидан Учтепа тумани «Ўрикзор» даҳаси Самарбону кўчасидиги «Ўздавкитобсавдо» МЧЖ биносида жойлашган хусусий тадбиркор Даврон

Усмоновга қарашли дўконда қисқа муддатли текширув ўтказилганда, сотувчи Фазлиддин Сахив харидорга 35000 сўмга Қозоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган ун маҳсулотини сотиб, НКМ харид чекини уриб бермаганлиги, кунлик ҳисобот бўйича 135000 сўм савдо пуллари НКМ хотирасига киритилмаганлиги аниқланди ҳамда савдода мавжуд бўлган қирим ҳужжати ва сифат-сифати бўлмаган 5 турдаги 6350 килограмм 4545000 сўмлик Қозоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган ун маҳсулотлари масала қонуний ҳал бўлгунга қадар ДСИ ихтиёрига олинди.

Текширув ҳужжатлари қонуний чора қўриш учун ПХСВОЖ ва ЖДЛҚД Тошкент шаҳар Учтепа тумани бўлимига топширилди, қонунбузарларга нисбатан жиноий иш кўзгатилади.

Улугбек ҚИЛИЧЕВ,
Учтепа тумани ДСИнинг
«Қисқа муддатли текширишларни ўтказиш» бўлими бошлиги

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!!!

“Тошшаҳартрансхизмат” уюшмасининг
“Тошавтобустранс” ва “Тошэлектротранс” компаниялари
ҳайдовчи ва чиптачи лавозимларига ишга таклиф қилади.

Ўртача ойлик иш ҳақи:

автобус ҳайдовчиси - 250-350 минг сўм;
трамвай ҳайдовчиси - 250-300 минг сўм;
троллейбус ҳайдовчиси - 200-250 минг сўм;
чиптачи - 140-180 минг сўм.



Маълумот учун телефонлар: “Тошавтобустранс” Акциядорлик компанияси: 233-59-38
“Тошэлектротранс” Давлат компанияси: 244-24-75



Буюртма Г- 506

Бош муҳаррир
Акmal АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида бошлади.
3676 нусхада босилди.
Қроғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича
турар жойлардаги почта бўлимига ёки
«Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига
муурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шорк» нашриёт-матбуот акциядорлик компанияси
босмоқдаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

156789

Топширилган вақти: 13.30